


Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
«Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва  
улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-  
тадбирлари тўғрисида»ги фармойиши



## ТАШКИЛИЙ-АМАЛИЙ ТАДБИРЛАР ЙЎНАЛИШИДА

Республика ишчи гуруҳининг 4 мартаба (2020 йил 16 октябрь, 6 ноябрь, 11 декабрь ва 2021 йил 26 январь) кенгайтирилган йиғилишлари ўтказилди.

Республика ишчи гуруҳининг мамлакатимиз аҳолисига мурожаати тайёрланди ва 2020 йил 12 ноябрда матбуотда эълон қилинди.

**31 та** банддан иборат иш режаси ишлаб чиқилиб, ижрога қаратилди, унда белгиланган **6 та** йўналиш бўйича кичик гуруҳлар тузилди.

Илмий-ишчи гуруҳлар фаолиятига кўмаклашиш мақсадида туманлар ва шаҳарлардаги Нурунийлар жамоатчилик кенгашларининг **204 нафар** ва маҳаллалардаги "Кексалар маслаҳати" гуруҳларининг **9 155 нафар** аъзоси бириктирилди.







## ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИНИНГ НОМЛАРИНИ АНИҚЛАШ

Ҳудудларда илмий-ишчи гуруҳлар тузилди. Уларга жами **200 нафар** малакали олим ва мутахассислар жалб этилди.

Тарихчи мутахассислардан тузилган алоҳида гуруҳлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси архивидан **4 921**, Миллий архивдан **2 656** шахсга оид маълумот аниқлади.

Мутахассислар томонидан ИИБ архивидан **3 502**, ДХХ архивидан **10 756** шахсга оид маълумот жамланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди  
марказий архиви ва вилоятлардаги  
архивлари ходимлари қатағондан жабр  
кўрган **3 930** шахсга оид маълумотни тақдим  
этди.

Фанлар академияси тарихшунос олимлари **4  
588** ватандошимизга оид маълумот, Қатағон  
қурбонлари хотираси давлат музейи  
мутахассислари **1 545** нафар дин вакили  
хақида маълумот аниқлади.

**10 873** кадр ҳажмида қатағон тарихи ва  
ундан жабр кўрган ватандошларимизга оид  
архив ҳужжатлари тизимлаштирилиб, **8 748**  
шахсга оид маълумотлар аниқланди.







Бугунги кунга қадар илмий-ишчи гуруҳлар томонидан **23 645**, вазирлик ва ташкилотлар тақдим этган маълумотлар асосида **40 646**, жами **64 291** нафар қатағон қурбонининг номи аниқланди.





## Маънавий-марифий тадбирлар йўналишида

“Инсон – азиз, хотира – муқаддас” ғояси асосида **300** дан зиёд маънавий-марифий тадбирлар ўтказилди.

ОАВ, интернет, ижтимоий тармоқлар ва вақтли матбуотда **150** дан зиёд мақолалар нашр этилди.

Тадбирлар **8 та** марказий, **6 та** ҳудудий телеканал ахборот дастурларида ҳамда **16** дан зиёд кўрсатувлар орқали ёритиб борилмоқда.





Худудий Қатағон қурбонлари хотираси музейларида **320** та маърифий тадбир, **184** та экскурсия тадбири ташкил қилинди. Уларда **55 мингдан** зиёд ёшлар иштирок этди.

“Маҳалла” фонди ва “Нуроний” жамғармаси томонидан қатағон қурбонларининг **227 нафар** авлоди аниқланиб, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож **47** оила рўйхатга олинди.

Қатағон қурбонларининг ижтимоий ҳимояга муҳтож **8 нафар** авлодига **4 млн сўм** миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди, **33 нафарига 11 млн сўм**лик совғалар топширилди.




7

Қатағон қурбонлари хотирасини  
абдийлаштириш йўналишида

["muzey-xotira.uz"](http://muzey-xotira.uz) электрон портали яратилди.

**28 нафар** қатағон қурбонини оқлашда амалий ёрдам  
сўраб Олий Судга мурожаат қилинди.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳамда  
Тошкент шаҳри кесимида **40 000** дан зиёд қатағон  
қурбонининг номи киритилган "Қатағон  
қурбонлари" хотира китоблари тайёрланди.





Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи ва ҳудудий Қатағон қурбонлари хотираси музейларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш

2021 йил 3 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент шаҳридаги “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуасида қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 178-сон қарори қабул қилинди.

2021 йил 9 июнда Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи ва ҳудудлардаги олий таълим муассасалари тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейлари ҳамда “Шаҳидлар хотираси” жамоат фондини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги 357-сон қарори қабул қилинди.



## Илмий-тадқиқот ишлари йўналишида

Илмий изланишлар натижасида бугунга қадар **20** дан ортиқ китоб, китоб-альбом, рисола ва мақолалар тайёрланди.

**26** та фундаментал, **4** та амалий ва **1** та инновацион (жами **31** та) илмий лойиҳа танловларга иштирок этиш учун Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим этилди.

**94** нафар маърифатпарвар жадиднинг ҳаёти ва фаолиятини чуқур ўрганиш учун республика ОТМга бириктирилди. **17** мингдан зиёд талаба-ёшлар, **1 600** дан зиёд профессор-ўқитувчилар иштирок этган **360** дан зиёд турли кўринишдаги тадбирлар ташкил этилди. **350** га яқин маъруза материаллари, мақолалар, китоб, видеороликлар тайёрланди.





## ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

9 та хорижий давлатнинг 22 та ташкилоти билан ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида Ташқи ишлар вазирлигига таклифлар киритилди.

Ташқи ишлар вазирлигининг кўмагида Россия, Украина ҳамда Туркиядан қатағон даври тарихига оид 13 та китоб нусхаси келтирилди.

## Қўшимча штат бирликлари

Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейига **2** та илмий ходим ва **2** та мутахассис штати қўшиб берилди.

Ҳудудий ОТМ ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси музейларида **1** илмий ходим, **1** ахборот технологиялари мутахассиси штати қўшиб берилди.

